



Халқ депутатлари Тойлоқ туман Кенгашининг
ҚАРОРИ

2020 йил. «27» 04 № 27/5

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Хўжамуродов, туман молия бўлими мудирни Ю.Бобоназаров, туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ш.Шариповларнинг “Тойлоқ тумани бюджет даромадлар базасини ошириш масалалари бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги тўғрисида”ги ҳисоботлари ҳақида

Халқ депутатлари Тойлоқ туман Кенгаши сессиясида қайд этилдики, Маҳаллий бюджетининг 2020 йилнинг 1-чорак даромадлар тушуми прогнози 15 млрд. 685 млн. 424 минг сўмни ташкил этиб, ҳисобот чорагида 16 млрд. 498 млн. 995 минг сўмга бажарилди ёки белгиланган режага нисбатан 105,2 фоизга бажарилиб, даромадлар режаси 813 млн. 571 минг сўмга орттириб бажарилди.

Туман маҳаллий бюджетининг 1-чорак даромадлар режаси умумий тарзда ошириб бажарилган бўлсада, манбаларнинг 2 тури бўйича тушумлар таъминланмади.

Жумладан, солиқ турлари бўйича қуйидагича:

- Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича режа 979,8 млн. сўмни ташкил қилиб, ҳақиқатда 768,9 млн. сўмга бажарилиб 78,5 фоизни ташкил этди ёки белгиланган режа 210,9 млн. сўмга бажарилмади.

- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича режа 3881,9 млн. сўмни ташкил қилиб, ҳақиқатда 3693,8 млн. сўмга бажарилиб 95,2 фоизни ташкил этди ёки белгиланган режа 188,9 млн. сўмга бажарилмади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги 445-сонли “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида туман молия бўлими ходимлари томонидан жорий йилнинг 1-чорагида жами 1 млрд 214 млн. сўм қўшимча даромадлар йил охиригача туширилиши бўйича манба аниқланган бўлиб 1-чоракда 240,4 млн.сўм маблағ ундирилишга эришилди.

Туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил 1-чорак харажатлари 26 млрд.163 млн. 518 минг сўмга режалаштирилган бўлиб, ўтган даврда

24 млрд. 391 млн. 688 минг сўм харажат қилиниб, 93,2 фоизни ташкил қилди, ёки 1771,8 млн. сўм харажатлар амалга оширилмади.

Тойлоқ тумани бюджет даромадлар базасини ошириш янги иш ўринларини ташкил этиш инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги тўғрисида туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Хўжамуродов, туман молия бўлими мудирини Ю.Бобоназаров ҳамда туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ш.Шариповларнинг ҳисоботларини тинглаб, муҳокама қилиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6, 24- моддаларига асосланиб халқ депутатлари Тойлоқ тумани кенгаши сессия **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Хўжамуродов, туман молия бўлими мудирини Ю.Бобоназаров ҳамда туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ш.Шариповларнинг “Тойлоқ тумани бюджет даромадлар базасини ошириш янги иш ўринларини ташкил этиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги тўғрисида”ги ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин;

2. Туман ҳокимлиги молия бўлими (Ю.Бобоназаров)нинг “Туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил 1 чорак ижроси тўғрисида”ги ҳисоботи иловага мувофиқ маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Туман ҳокимининг 2020 йил 17 апрелдаги 163-Қ-сонли қарори билан 2020 йил 1 февралдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам миқдори 1,07 баробарга оширилиши муносабати билан туман молия бўлимида иш ҳақи миқдорлари оширилиши билан боғлиқ харажатлар (индексация маблағлари) учун режалаштирилган маблағларни камайтириб, бюджет таснифининг айрим бўлим, кичик бўлим, боблари ҳамда чораклар бўйича харажатлар миқдорининг умумий мутаносиблигини сақлаган ҳолда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларига ажратилган маблағларни кўпайтириш йўли билан ўзгартиришлар киритилганлиги маъқуллансин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Хўжамуродов, туман молия бўлими мудирини Ю.Бобоназаров ҳамда туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ш.Шариповлар туман бюджети даромадлар базасини кенгайтириш борасида маҳаллий бюджетга қўшимча маблағлар тушириш бўйича тегишли чоралар кўрсинлар.

5. Туман ҳокимлиги молия бўлими Ю.Бобоназаровга:

Туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил 1 чораги ижроси давомида маҳаллий бюджет харажатларини мақбуллаштириш натижасида шаклландирган қўшимча манбалар ҳисобидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун маҳаллий бюджетга тегишли ўзгартиришлар киритиб бориш;

Туман ғазначилик бўлими (А.Шарипов) билан биргаликда бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши ва уларнинг асосиз сарфланишини

бартараф этиш устидан қатъий назорат қилинишини таъминлаш борасидаги ишларни давом эттириш вазифаси топширилсин.

6. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Хўжамуродов, Д.Умирзоқов)лар бўш турган бинолар ва ер майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида улар негизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш юзасидан қўшимча инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилишини таъминласинлар;

2020 йилда ишга туширилиши режалаштирилган лойиҳаларни тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиб, белгиланган муддатда амалга ошириш чоралари кўрилсин. Бунда биринчи навбатда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишга аълоҳида эътибор қаратилсин.

7. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Хўжамуродов), туман бандликка кўмаклашиш маркази (Ш.Дониёров)ларга туманда янги иш ўринлари ташкил этиш дастурида белгиланган режани бажарилганлигига қарамай аҳоли орасида ишсизлик даражаси мавжудлигини эътиборга олиб, қўшимча янги иш ўринлари яратиш бўйича чора-тадбирлар белгиласинлар.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Хўжамуродов зиммасига юклатилсин.

Туман Кенгаши раиси



Б.Бабоназаров

Тойлоқ туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил 1-чорак ижроси туғрисида
МАЪЛУМОТ

Даромадлар номи	Тасдиқланган режа	Бажарилиши	Фарқи	
			(+, -)	%
А	1	2	3	4
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	979 853	768 976	-210 877	78
Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	934 840	1 035 362	100 522	111
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	3 881 878	3 693 807	-188 071	95
Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	386 302	468 090	81 788	121
Акциз солиғи, жами	6 224 637	6 427 743	203 106	103
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	275 048	306 107	31 059	111
Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 139 396	1 158 616	19 220	102
Юридик шахслар ер солиғи	604 124	630 781	26 657	104
Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	1 090 640	1 242 933	152 293	114
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	15 527	40 565	25 038	261
Жарималар	0	223	223	0
Маҳаллий йиғимлар	153 179	197 086	43 907	129
Ижара	0	420 840	420 840	0
Бошқа тушумлар	0	107 867	107 867	0
Даромадлар жами	15 685 424	16 498 995	813 571	105
Коракалпогистон Республикаси, Тошкент ш. ва вилоятлар бюджетидан олинган тартибга солувчи трансфертлар	5 687 305	5 515 000	-172 305	97
Гранты на специальные цели	5 687 305	5 515 000	-172 305	97
Вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан узаро ҳисоб-китоблар асосида олинган маблағлар	2 022 678	3 947 000	1 924 322	195
ДАРОМАДЛАРНИНГ ҲАММАСИ	23 395 407	25 960 995	1 924 322	195
Молия йили бошига маҳаллий бюджетларнинг асосий ғазнач илик ҳисобварақларидаги колдиклар ҳисобидан маблағлар йўналтириш	1 679 079	1 089 400	-589 679	65
Айланма касса маблағларининг вақтинчалик жалб қилинган қисми	1 240 832	0	-1 240 832	0
Харажатларни қоплаш учун ажратилган маблағдан ташқари, бюджетларнинг йил бошига қолган маблағ колдиклари	347 336	2 177 846	1 830 511	627
БАЛАНС	26 662 653	29 228 242	2 565 588	110
Йил бошига колдик маълумот учун		3 267 246		
Йил охирига колдик маълумот учун		2 197 799		
Харажатлар номи	Аниқланган режа	Бажарилиши	Фарқи	
А	1	2	(+, -)	%
А	1	2	3	4
Давлат ветринария қўмитаси ташкилотлари	187 108	168 233	-18 875	90
Фермер ҳужалиқларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобатини юритиш марказларини сақлаш харажат	148 622	147 650	-972	99
Сув ҳужалиғи ташкилотларини сақлаш харажатлари	137 099	133 797	-3 302	98
Ободонлаштириш харажатлари	1 177 605	1 031 918	-145 687	88
Иктисодиёт учун бошқа харажатлари	15 286	9 802	-5 484	64
Иктисодиёт бўйича харажатлари Жами	1 665 720	1 491 400	-174 320	90
Умумий таълим	2 097 837	1 792 101	-305 736	85
Мақтабгача таълим	2 903 319	2 866 068	-37 251	99
Маданият ва оммавий ахборот воситалари	142 787	119 622	-23 165	84
Соғлиқни сақлаш	10 613 737	10 235 189	-378 548	96
Жисмоний тарбия ва спорт	580 295	567 980	-12 315	98
ТТБ Ижтимоий таъминот	10 500	9 460	-1 040	90
Ижтимоий маданий тадбир харажатларининг ЖАМИ	16 348 475	15 590 419	-758 056	95
Давлат бошқарув идораларини сақлаш харажатлари	1 845 421	1 260 626	-584 795	68
Фуқораларни ўзини-ўзи бошқариш идораларини сақлаш харажатлари	979 981	957 903	-22 078	98
Маҳаллий бюджетларнинг захира жамғармаси	401 000	357 651	-43 349	89
Бошқа тўлаш харажатлари (Адвокат)	2 231	2 231	-1	100
ОБОД КИШЛОК ЖАМГАРМАСИГА АЖРАТИЛАДИГАН МАБЛАҒЛАР	600 000	600 000	0	100
Маҳаллий бюджетда кўзда тутилмаган бошқа харажатлар	266 000	189 400	-76 600	
Ижтимоий нафақалар	4 054 690	3 942 059	-112 631	
Харажатларнинг Жами	26 163 518	24 391 688	-1 771 830	93
ТУРЛИ ДАРАЖАДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ УРТАСИДАГИ УМУМИЙ ТУСДАГИ ТРАНСФЕРТЛАР ВА ҚАРЗ ОЛИШЛАР	151 800	2 638 755	2 486 955	0
Узаро ҳисоб-китоблар бўйича вилоятлар ва тошкент шаҳар бюджетига бериладиган маблағлар	151 800	2 638 755	2 486 955	0
ХАРАЖАТЛАРНИНГ ҲАММАСИ	26 315 318	27 030 443	715 125	103
ДАРОМАДНИНГ ХАРАЖАТДАН ОШГАН ҚИСМИ	0	19 953	19 953	0
БЮДЖЕТЛАРНИНГ ЙИЛ БОШИГА ЭРКИН КОЛДИГИ	347 336	937 014	589 679	0
ЙИЛ БОШИГА АЙЛАНМА КАССА МАБЛАҒЛАРИ	0	1 240 832	1 240 832	0
Б А Л А Н С	26 662 653	29 228 242	2 565 588	110
Йил бошига колдик маълумот учун		3 267 246		
Йил охирига колдик маълумот учун		2 197 799		